

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ ИШ ҲАҚИ МИҚДОРНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Аҳоли турмуш даражасини оширишга қаратилган чора-тадбирлар кўламини кенгайтириш ҳамда фуқароларнинг даромадларини изчил ошириб бориш мақсадида:

- 2022 йил 1 июндан бошлаб бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи миқдори 12 фоизга оширилсин.
- 2022 йил 1 июндан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудига: меҳнатга ҳақ тўлашининг энг кам миқдори — ойига 920 000 сўм; базавий ҳисоблаш миқдори — ойига 300 000 сўм этиб белгилансин.
- Бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи миқдори оширилиши билан боғлиқ харажатлар Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қоплансин.
- Иш бевувицларга иш ҳақи миқдорини қонунчилик ҳужжатларида белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашининг энг кам миқдоридан кам бўлмаган ҳолда тўлашни таъминлаб, иш ҳақи миқдорини меҳнатга ҳақ тўлашининг энг кам миқдорига мувофиқ ошириш тавсия этилсин.
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 17 августдаги “Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида”ги ПФ–6279-сон Фармонининг 2-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.
- Молия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.
- Мазкур Фармоннинг ижросини таъминлаш учун масъул ва шахсий жавобгар этиб молия вазири Т.А.Ишметов белгилансин.

Фармон ижросини муҳокама қилиб бориш, ихро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А.Қўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2022 йил 20 май

ҲАМКОРЛИКНИНГ БУГУНГИ ҲОЛАТИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева ҳамда БМТнинг Ўзбекистондаги доимий мувофиқлаштирувчиси Роли Астхана ўртасида учрашув бўлиб ўтди.

Мулоқот

Унда Ўзбекистон ва БМТ ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ҳамда уни ривожлантириш истиқболлари, жумладан, барқарор ривожланиш миллий мақсадларига эришиш борасидаги алоқаларни кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

БМТ вакилига мамлакатимизда аҳоли турмуш даражасини ошириш, камбағалликни камайтириш, гендер тенгликни таъминлаш, шунингдек, БРМни амалга оширишга қаратилган Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларнинг мазмун-моҳияти ва

аҳамияти ҳақида маълумот берилди.

Шунингдек, гендер масалалари бўйича ўзаро ҳамкорликнинг турли жиҳатлари, хусусан, хотин-қизлар иқтисодий имкониятларини кенгайтириш, уларнинг касбий ва шахсий салоҳиятини рўёбга чиқариш учун шарт-шароит яратиш масалалари муҳокама марказида бўлди.

Учрашув якунлари бўйича томонлар ўзаро ҳамкорлиқни ривожлантириш ва қўрилган масалалар бўйича алоқаларни кенгайтиришга келишиб олди.

«Халқ сўзи».

КОНСТИТУЦИЯНИ ЖАМИЯТДАГИ РЕАЛ ВОҚЕЛИККА МОСЛАШТИРИШ — ДАВР ТАЛАБИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Қонунчилик палатаси Кенгашнинг қўшма мажлиси бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис палаталари Кенгашлари аъзолари, депутатлар, сенаторлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Қўшма мажлис

Қўшма мажлисда мамлакатимизда конституциявий ислохотларни амалга оширишга оид чораларни кўриш масалалари муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, бугунги кунда мамлакатимизнинг барқарор ривожланишини таъминлаш билан боғлиқ жамиятни барпо этиш гоёси халқимиз томонидан кўлаб-қувватланмоқда.

Мажлисда сўнгги йилларда мамлакатимизда давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан ислоҳ этиш, фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситаларининг ролини ошириш, аҳоли турмуш шароитини яхшилаш ҳамда мавжуд муаммоларни ҳал этишга хизмат қилувчи, янги қонунлари ишлаб чиқиш ва амалдагиларга замон талабларига мос равишда қўшимча ҳамда ўзгаришлар киритиш борасида тизимли ишлар амалга оширилаётганлиги таъкидланди. Шу билан бирга, мамлакатимизда олиб борилаётган изчил ислохотлар Ўзбекистон Республикаси Конституциясини жамиятдаги

бугунги реал воқеликка мослаштиришни тақозо этаётгани алоҳида айтиб ўтилди.

Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси доирасида илгари сурилаётган кенг кўламли вазифалар, хусусан, адолатли ва халқпарвар давлатни барпо этиш, инсон ҳуқуқ ва манфаатлари, қадр-қимматини янада самарали таъминлаш каби улуғвор мақсадлар бу борада зарур ҳуқуқий асосни таъминловчи конституциявий маконни янада такомиллаштириш эҳтиёжини кун тартибига қўймоқда.

Бош қомусимиздаги ўзгаришлар “Янги Ўзбекистон — ижтимоий давлат” тамойили асосида халқимизнинг фаро-вонлигини янада юксалтириш, мамлакатимиз иқтисодиёт тармоқларини трансформация қилиш ҳамда тадбиркорликни жадал ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини сўзсиз таъминлашга қаратилган ислохотларни изчил давом эттириш учун мустаҳкам пойдевордир.



Йиғилишда Бош қомусимизга ўзгаришлар киритиш бўйича таклифларни шакллантириш ҳамда ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан Конституциявий комиссия тузилиб, унинг таркиби ва вазифалари белгиланди. Комиссия таркибига жамиятимизнинг турли қатламларидан, хусусан, депутатлар, сенаторлар, барча ҳудуддан вакиллар, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари, етук

хуқуқшунос, сиёсатшунослар ва экспертлар киритилди.

Мажлисда сенатор ва депутатлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Конституциясини такомиллаштириш бўйича бир қатор фикр-мулоҳазалар билдирилди. Конституциявий комиссия ўз фаолиятини “Жамият — ислохотлар ташаббускори” деган ғоя асосида очиклик ҳамда шаффофлик тамойилларига асосланган ҳолда олиб бори-

ши, кенг жамоатчилик вакиллари ҳамда халқимизнинг тақлиф ва фикрлари асосида шакллантириши лозимлиги таъкидланди.

Комиссияга ўз фаолиятида очиклик ҳамда шаффофликни таъминлаш, аҳолининг барча қатламидан Конституцияга ўзгариш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифларни олиш борасида вазифалар қўйилди.

«Халқ сўзи».

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ДОРИВОР ҲСИМЛИКЛАР ХОМАШЁ БАЗАСИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ, ҚАЙТА ИШЛАШНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ОРҚАЛИ ҚЎШИМЧА ҚИЙМАТ ЗАНЖИРИНИ ЯРАТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Доривор Ҳсимликлар хомашё базасидан самарали фойдаланиш, касалликларнинг олдини олиш ва даволашда доривор Ҳсимликларни кенг қўллаш, доривор Ҳсимликларнинг маданий плантацияларини барпо этаётган тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш орқали чуқур қайта ишлашни ташкил этиш ҳамда қўшимча қиймат занжирини яратиш мақсадида:

- Белгилансинки:

туманлар қизилмия, заъфарон, каврак, лаванда, стевия, мойнечақ, наъматақ, равоч, маврак, далачай, тоғрайхон, бўйимодорон, кийик ўти, ковул, қалам-

пир ялпиз ва бошқа доривор Ҳсимликлар етиштириш бўйича ҳудудлар кесимида ихтисослаштирилади. Бунда 2022 йилдан 2026 йилгача 36 000 гектар майдонда янги доривор Ҳсимликлар плантациялари ташкил этилади;

яратилаётган ҳар 10 гектар ер майдонидидаги доривор Ҳсимликларнинг маданий плантацияларига сув чиқариш учун бурғиланган қудуқ қазмиш, шунингдек, дарёлар, каналлар ҳамда бошқа сув ҳавзаларидан суви тортиш мақсадида насос станциясини қуришга сув тежовчи технологияларни қўллаш шарти билан ҳар бир мет-

ри учун 600 минг сўмдан, аммо 120 миллион сўмдан ошмайдиган миқдорда Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг тегишли далолатномасига асосан республика бюджетидан тегишнча Боғдорчилик ва иссиқхона Ҳўжалигини ривожлантириш жамғармаси орқали субсидия ажратилади;

доривор Ҳсимликларни маданий плантация ташкил қилиш орқали етиштириш учун белгиланган тартибда ажратилган ер участкаларига бошқа турдаги қишлоқ Ҳўжалиги экинларини жойлаштиришга йўл қўйилмайди;

экспортбоп доривор Ҳсимликлар етиштиришни

кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 августдаги “Маҳаллаларда тадбиркорликни янада қўллаб-қувватлаш ва тадбиркорлик субъектлари билан аҳоли ўртасида кооперацияни ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–5214-сон қарори 4-бандида назарда тутилган имтиёз ва молиялаштириш тартиблари доривор Ҳсимликларни етиштириш билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектларига ҳам таътиқ этилади.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ДОРИВОР ҲСИМЛИКЛАРНИ МАДАНИЙ ҲОЛДА ЕТИШТИРИШ ВА ҚАЙТА ИШЛАШ ҲАМДА ДАВОЛАШДА УЛАРДАН КЕНГ ФОЙДАЛАНИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Доривор Ҳсимликларни маданий ҳолда етиштириш ҳамда қайта ишлашни ташкил этиш, доривор Ҳсимликларнинг маданий плантацияларини барпо этишни қўллаб-қувватлаш, шунингдек, касалликларнинг олдини олиш ва даволашда доривор Ҳсимликларни кенг қўллаш мақсадида:

- Қуйдагилар:

2022 — 2026 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда доривор Ҳсимликлар плантацияларини барпо этиш учун ер майдонларини ажратишнинг йиғма мақсадли кўрсаткичлари 1-иловага мувофиқ;

2022 — 2026 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар Ҳсимликлар плантацияларини барпо этишнинг мақсадли кўрсаткичлари 1.2-иловага мувофиқ;

2022 — 2026 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар Ҳсимликлар плантацияларини барпо этишнинг мақсадли кўрсаткичлари 1.3-иловага мувофиқ;

“Бир туман — бир маҳсулот” тамойили асосида доривор Ҳсимликларни етиштиришга ихтисослаштирилаётган туманлар рўйхати 2-иловага мувофиқ;

Доривор Ҳсимликларни маданий ҳолда етиштириш ва қайта ишлашни кенгайтириш ҳамда аҳоли ўртасида ундан фойдаланишни тарғиб қилиш бўйича “Йўл харитаси” 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Бош вазир ўринбосари Ш.М.Фаниев, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши

по этишнинг мақсадли кўрсаткичлари 1.3-иловага мувофиқ;

“Бир туман — бир маҳсулот” тамойили асосида доривор Ҳсимликларни етиштиришга ихтисослаштирилаётган туманлар рўйхати 2-иловага мувофиқ;

Доривор Ҳсимликларни маданий ҳолда етиштириш ва қайта ишлашни кенгайтириш ҳамда аҳоли ўртасида ундан фойдаланишни тарғиб қилиш бўйича “Йўл харитаси” 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Бош вазир ўринбосари Ш.М.Фаниев, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ХАЛҚАРО РЕЙТИНГ ВА ИНДЕКСЛАР БИЛАН ИШЛАШДА ИЛМИЙ САЛОҲИЯТ ҲАМДА АМАЛИЙ ФАОЛИЯТ УЙЎНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон Фармони билан тасдиқланган 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини жадал амалга ошириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг устувор халқаро рейтинг ва индекслардаги кўрсаткичларини яхшилашга йўналтирилган ислохотларни амалга ошириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқишга мамлакат илмий салоҳиятини кенг жалб этиш ва лойиҳавий бошқарувнинг халқаро стандартларида фойдаланиш, давлат хизматчиларининг соҳадаги билим ва қўникмаларини ошириш мақсадида:

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 25 февралдаги “Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинглар ва индекслардаги ўрнини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–4210-сон қарори билан республикадаги тадқиқот институтлари-га (кейинги ўринларда — халқаро рейтинг ва индекслар бириктирилган илмий ташкилот-

лар) алоҳида халқаро рейтинглар бириктирилганиги ва уларнинг рўйхати тасдиқланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

- 2022 йил 1 июндан бошлаб халқаро рейтинг ва индекслар бириктирилган илмий ташкилотлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон Фармони билан тасдиқланган 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини (кейинги ўринларда — Тараққиёт стратегияси) амалга оширишга оид давлат дастурларига ўзларига бириктирилган устувор халқаро рейтинг ва индекслардан келиб чиқиб таклифлар ишлаб чиқиши ҳамда тегишли вазирлик ва идораларга киритиб борилиш учун қуйидагиларни назарда тутувчи тартиб жорий этилсин:

устувор халқаро рейтинг агентликларининг йиллик ҳисоботлари эълон қилиниши билан тегишли халқаро рейтинг билан ишлаш учун масъул бўлган халқаро рейтинг ва индекслар бириктирилган илмий ташкилотлар 20

кун муддат ичида паст кўрсаткичли индикаторлар учун масъул давлат органларига ахборот-таҳлилий маълумотнома киритади;

паст кўрсаткичли индикаторлар учун масъул давлат органлари Инновацион ривожланиш вазирлигига паст кўрсаткичли индикаторлар бўйича соҳа ва тармоқлардаги мавжуд тизимли хатоликларни бартараф этиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш учун илмий грантларга буюртма беради;

Инновацион ривожланиш вазирлиги танлов асосида илмий грантлар ажратади;

илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасалари лойиҳавий бошқарувнинг PMI PMBOK — “Лойиҳаларни бошқариш бўйича билимлар жамланмиси” халқаро стандарти (кейинги ўринларда — PMI PMBOK халқаро стандарти) асосида паст кўрсаткичли индикаторлар бўйича соҳа ва тармоқлардаги мавжуд тизимли хатоликларни бартараф этиш лойиҳаларини ишлаб чиқади;

(Давоми 2-бетда).



ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИДА

Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашнинг мажлиси бўлиб ўтди. Уни Сенат Раиси Танзила Норбоева олиб борди. Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йиғирма олтинчи ялпи мажлисини 2022 йил 28 май кунини қақариш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Видеоконференцалоқа шаклида бўлиб ўтадиган ялпи мажлисда бир қатор масалалар кўриб чиқилиши назарда тутилган.

“Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги, “Ер участкаларини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги, “Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги, “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 19-моддасига қўшимча ва ўзгариш киритиш ҳақида”ги қонунлар шулар жумласидандир.

Шунингдек, сенаторлар томонидан иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа объектилари ҳамда аҳоли тураржойларида кўёш ва шамол энергиясидан фойдаланиш бўйича Қорақалпоғистон Республикасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига юборилган парламент сўрови натижалари кўриб чиқилади.

Бундан ташқари, интернет жаҳон ахборот тармоғида ёшлар ва вояга етмаганлар учун миллий контентни ривожлантириш, уларнинг ижтимоий тармоқлардан фойдаланиш маданияти ва зарарли ахборотдан ҳимоя қилиш масалалари юзасидан Вазирлар Маҳкамасига юборилган парламент сўрови натижалари ҳам муҳокама этилади.

Ўз навбатида, энгил саноат ва чарм саноати корхоналарида хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳолати юзасидан Вазирлар Маҳкамасига юборилган парламент сўрови натижалари қўрилиш қўзда тутилган.

Ялпи мажлисда Олий Мажлис Сенати Орол-бўйи минтақасини ривожлантириш масалалари ва экология қўмитасининг 2021 йил ва 2022 йилнинг биринчи чорадаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботини эшитиш ҳам режалаштирилган.

«Халқ сўзи».

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Ф А Р М О Н И

ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАР ХОМАШЁ БАЗАСИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ,
ҚАЙТА ИШЛАШНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ОРҚАЛИ ҚЎШИМЧА ҚИЙМАТ
ЗАНЖИРИНИ ЯРАТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра 2022 йил 1 июндан бошлаб Қишлоқ ҳўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармасининг **100 миллион сўм маблағлари ҳисобидан** тижорат банклари орқали кўйидагиларга:

фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва бошқа махсулот етиштирувчиларга — **доривор ўсимликларни етиштириш учун йиллик 14 фоиз** (шундан 2 фоизи банк маржаси) **ставкада 6 ойлик** имтиёзли давр билан **12 ой мuddатда** кредитлар ажратилади;

доривор ўсимликларни қайта ишловчи, сақловчи ва экспорт қилувчиларга — етиштирилган махсулотни харид қилишга талаб этиладиган **айланма маблағларни тўлдириш учун йиллик 14 фоиз** (шундан 2 фоизи банк маржаси) **ставкада 12 ойлик** “револьвер” кредитлар ажратилади. Бунда ушбу кредит ҳисобидан кластер ва кооперацияларнинг тижорат банкларидан олинган бошқа кредитларини сўндиришга йўл қўйилмаيди.

3. Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги (Ж.А. Ходжаев) Молия вазирлиги (Т.А.Ишметов) билан биргаликда доривор ўсимликларни чуқур қайта ишлашни (доривор ўсимликларни қайта ишлаш асосида тайёр махсулотлар ишлаб чиқаришини) молиялаштириш учун Жаҳон банкининг “**Қишлоқ ҳўжалигини модернизация қилиш**”, “**Фаргона водийсида қишлоқ тадбиркорлигини ривожлантириш**” лойиҳалари ва Қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш халқаро жамғармасининг “**Қишлоқ ҳўжалигини диверсификация ва модернизация қилиш**” лойиҳаси доирасида **20 миллион** АҚШ доллари миқдоридagi маблағларни тижорат банкларига ажратиш чораларини кўрсин. Бунда:

ушбу маблағлар миллий валютада йиллик **14 фоиз ставкада** тижорат банкларига ресурс сифатида жойлаштирилади;

тижорат банклари **5 йиллик имтиёзли давр билан 10 йил мuddатда** йиллик **17 фоиз ставкада** (шундан 3 фоизи банк маржаси) тижорат кредити ажратadi.

Қишлоқ ҳўжалиги вазири Ж.А.Ходжаев, Ўрмон ҳўжалиги давлат қўмитаси раиси Н.Ж.Бакиров, Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги директори С.Х.Кариев Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоят ҳокимлари билан биргаликда икки ой мuddатда ҳар бир ҳудудда **камида биттадан доривор ўсимликлар кластерини** ташкил этиш бўйича лойиҳа тақлифларини ишлаб чиқсин.

Вазирлар Маҳкамаси бир ой мuddатда 2022-

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Қ А Р О Р И

ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАРНИ МАДАНИЙ ҲОЛДА ЕТИШТИРИШ ВА
ҚАЙТА ИШЛАШ ҲАМДА ДАВОЛАШДА УЛАРДАН КЕНГ ФОЙДАЛАНИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Жиззах вилояти ҳокимлиги (Э.А.Салиев) 2022 — 2026 йилларда **зафардон ўсимлиги маданий плантацияларини** барпо этиш учун мўс бўлган **2 000** гектар ер участкасини қўнуңчиликда белгиланган тартибда берилишини таъминласин ҳамда 2022 йилда **зафардон плантацияларини камида 2 бараварга кўпайтириш** чораларини кўрсин.

2. Инновацион ривожланиш вазирлиги (И.Ю.Абдураҳмонов) икки ой мuddатда Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги билан биргаликда **сертификатланган** доривор ўсимликларнинг **урғучилиги ва кўчатчилигини йўлга қўйиш** бўйича фундаментал ва амалий тадқиқотлар ҳамда инновацион илмий-техник лойиҳалар бўйича грант танловларини эълон қилишни таъминласин.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра:

давлат тиббиёт муассасаларида, жумладан, ҳар бир поликлиникада, **доривор ўсимликлар воситасида даволашга мўйжалланган халқ табобати хоналари ва фитобарларни** ташкил қилинади;

Тошкент тиббиёт академиясининг клиникаси қошида Республика халқ табобати илмий-амалий марказининг **40 ўринли даволаш бўлими** ва ҳудудларда филиаллари фаолиятини йўлга қўйилад;

4. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.А.Мусаев): 2022 йил 1 июндан бошлаб самараси исботланган доривор ўсимликларни босқимча-босқич **тиббий ёрдам кўрсатиш стандартлари ва протоколларига киритиш**. Бунда Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан янги яратилган ҳамда ишлаб чиқаришга жорий этилган дори воситаларининг тиббиёт амалиётида кенг қўлланилишини таъминлаш мақсадида клиник протоколлар, диагностика ҳамда касалликларни даволаш стандартлари ҳар олти ойда қайта кўриб чиқилади;

уч ой мuddатда барча давлат тиббиёт таълим муассасаларида **доривор ўсимликлар ва халқ табобати бўйича таълим беришга йўналтирилган кафедраларни** ташкил этиш бўйича тақлиф қилийтиш; шифокорларни доривор ўсимликлар ва халқ табобати усуллари асосида даволаш бўйича **кайта тайёрлаш ва иктисослаштириш**ни ҳамда терапиявт, умумий амалиёт ва оилавий шифокорларни тайёрлашда чуқурлаштирилган ўқитишни ташкил этиш;

давлат тиббиёт муассасаларида, жумладан, ҳар бир поликлиникада **доривор ўсимликлар воситасида даволашга мўйжалланган халқ табобати хоналари ва фитобарларни** ташкил қилиш; Тошкент тиббиёт академиясининг клиникаси қошида Республика халқ табобати илмий-амалий марказининг **40 ўринли даволаш бўлими** ва ҳудудларда филиаллари фаолиятини йўлга қўйиш;

2022 йил 1 сентябрдан бошлаб халқ табобатини кенг тарғиб қилиш мақсадида “**Ибн Сино илмининг билимдонлари**” танловини ўтказиш;

тиббиёт амалиётида самараси исботланган ва асосий дори воситалари рўйхатига киритилган доривор ўсимликлар ва улардан тайёрланган дори воситаларининг **давлат тиббиёт ташкилотлари томонидан харид қилиниши** чораларини кўрсин.

5. Савдо-саноат палатаси (Д.А.Вахабев) Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги (С.Х.Кариев), Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги (Ж.А.Ходжаев), Ўрмон ҳўжалиги давлат қўмитаси (Л.Ш.Бакиров), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Л.Ш.Қудратов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоят ҳокимликлари билан биргаликда аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, доривор ўсимликларнинг афзалликларини аҳоли ва шифокорлар орасида кенг тарғиб қилиш, доривор ўсимликларни етиштириш ва чуқур қайта ишлашда илм-фан ва ишлаб чиқариш корхоналарининг кооперация алоқаларини йўлга қўйиш ва мустаҳкамлаш учун ҳар йили “**Ибн Сино мероси**” **халқаро кўргазмасини** ташкил этиш чораларини кўрсин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг Аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари қотибятига доривор ўсимликларни етиштиришни кенгайтириш, доривор ўсимликлар етиштирувчиларни қўллаб-қувватлаш вазифалари юклатилсин.

Бунда мазкур қотибятта Ўрмон ҳўжалиги давлат қўмитаси тизимидаги **1 та штат бирлигини қисқарти-**

2023 йилларда доривор ўсимликларни қайта ишлаш бўйича амалга ошириладиган **лойиҳаларнинг манзилли рўйхатини тасдиқласин**.

4. Белгилансинки:

2025 йил 1 январга қадар доривор ўсимликларни етиштирилган олган даромадлари жорий ҳисобот (солиқ) даври ақунлари бўйича жами даромаднинг камида 80 фоизини ташкил этадиган тадбиркорлик субъектларидан олинадиган **ер солиғи, фойда солиғи ва мол-мулк солиғи ставкалари 50 фоизга камай-тирилади**. Бунда мазкур хатбошига асосан, солиқлардан озод қилинадиган маблағлар доривор ўсимликлар плантацияларини кенгайтиришга йўналтирилиши шарт;

доривор ўсимликлар хомашёсидан **биологик фаол қўшимчалар, эссенциялар ва экстрактлар ишлаб чиқарувчилар** томонидан ўз эҳтиёжлари учун олиб келинадиган **Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган технологик ва лаборатория ускуналари, уларнинг бутловчи ва эҳтиёт қисмлари**, сэндович-панеллар ва вентиляция тизимлари ҳамда **биологик фаол қўшимчалар** ишлаб чиқариш учун ишлатиладиган хомашё ва материаллар, қадоклаш материаллари белгиланган тартибда шақлантириладиган рўйхатлар бўйича 2025 йил 1 январга қадар **божхона божидан озод қилинади**;

доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш учун фойдаланиладиган технологик ва лаборатория ускуналари, уларнинг бутловчи ва эҳтиёт қисмлари, сэндович-панеллар ва вентиляция тизимлари, асбоб-ускуналар, хомашё, материаллар, кимёвий препаратлар ҳамда химоя воситаларини олиб киришда **қўшимча қиймат солиғини 180 кунга кечиктириб тўлаш имконияти** берилади;

доривор ўсимликлар хомашёси ҳамда ундан тайёрланган биологик фаол қўшимчалар, эссенциялар ва экстрактларни экспорт қилувчи тадбиркорлик субъектларининг **экспорт учун сарфланган автомобиль, темир йўл ва ҳаво транспортида ташши харажатларининг 50 фоизигага қисми Экспортни рағбатлантириш агентлиги томонидан қопланади**.

5. Соғлиқни сақлаш вазирлиги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги билан биргаликда 2022 йил 1 сентябрдан бошлаб дорихона сотув зали пештахталарининг **камида 20 фоизига доривор ўсимликлар хомашёсидан тайёрланган биологик фаол қўшимчалар ва дори воситаларини** жойлаштиришни дори воситалари ва тиббий буюмларни чакана реализация қилишнинг лицензия талаблари ва шартларига киритиш чораларини кўрсин.

риш ҳисобидан 1 та штат бирлиги ажратилади.

7. Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигига кўйидаги қўшимча вазифалар юклатилсин:

доривор ўсимликлар бозори қўнуңкоррасини ўрганишни ташкиллаштириш, аҳоли ва соғлиқни сақлаш муассасаларининг доривор ўсимликлар махсулотлари билан таъминланганлик ҳолатини тизимли таҳлил қилиш ва ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш бўйича тақлифларни ишлаб чиқиш;

доривор ўсимликлар ва улардан ишлаб чиқарилган махсулотларнинг тиббий аҳамияти ҳамда уларни қўллашга оид махусус кўрсатувлар ва роликлар мунтазам намойиш этилишини ташкил қилиш;

доривор ўсимликларга оид илмий ишланмаларни тижоратлаштиришда кўмаклашиш, доривор ўсимлиқшўнослик тармоғига илгор хорижий амалиёт ва халқаро стандартларни татбиқ этиш бўйича ишларни мувофиқлаштириш;

доривор ўсимликлар махсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар талабини таҳлил қилган ҳолда ҳар йили Қишлоқ ҳўжалиги вазирлигига доривор ўсимликлар етиштириш ҳажмлари тўғрисида тақлиф қилийтиш.

Мазкур бандга мувофиқ Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигига юклатилаётган вазифаларнинг ихросини таъминлаш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги мавжуд штат бирликлари доирасида Агентликда **директор ўринбосари** лавозими жорий этилсин ҳамда **доривор ўсимликларни етиштириш, қайта ишлашни ташкил этиш ва илмий ишланмаларни тижоратлаштириш** бўйича қўшимча **5 та штат бирлигидан** иборат бошқарма ташкил этилсин.

Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги (С.Х.Кариев), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (А.Б.Бойтов) ва Молия вазирлиги (Т.А.Ишметов) билан биргаликда доривор ўсимликлар соҳасини ривожлантириш бўйича тажрибали хорижий мутахассис ва консултантларни жалб қилиш чораларини кўрсин.

8. Монополияга қарши курашиш қўмитаси, Истеъмолчилар ҳуқуқларини химоя қилиш агентлиги:

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда биологик фаол қўшимчаларнинг реклама тўғрисидаги **қўнуңчилик талабларига қатъий риоя этилган ҳолда реклама қилинишини ташкил этиш** чораларини кўрсин;

Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда икки ой мuddатда биологик фаол қўшимчалар, биологик фаол қўшимча сифатида рўйхатга олинмаган дaмлама, ўтлар, парфюмерия-косметика воситалари рекламасига оид қўнуңчилик талаблари бузилганда **жавобгарлик чораларини кўчатиритиш юзасидан** Вазирлар Маҳкамасига тақлиф қилитсин.

9. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги билан биргаликда доривор ўсимликлар сифатини таҳлил ва назорат қилиш бўйича халқаро стандартларга жавоб берувчи замонавий лаборатория барпо этиш мақсадида халқаро молия институтлари ва хорижий ҳўкумат молия ташкилотларидан грант маблағлари жалб этиш чораларини кўрсин.

10. Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги, Ўрмон ҳўжалиги давлат қўмитаси ва Фанлар академияси билан биргаликда **уч ой мuddатда** илмий тиббиётда ва фармацевтика саноатида фойдаланиладиган доривор ўсимликлар ҳамда доривор ўсимликлар етиштирилдиган ҳудудлар рўйхатини ўз ичига олувчи электрон маълумотлар базасини яратсин.

11. Ушбу қарорда белгиланган чора-тадбирларнинг самарали ва ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш мақсадида:

а) **Бош вазир ўринбосари Ш.М.Ғаниев Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги директори С.Х.Кариев, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ҳокимлари** билан биргаликда:

мазкур қарорга 1-иловага мувофиқ ер майдонларида доривор ўсимликлар плантацияларини барпо этишга;

2022 йил якунига қадар мазкур қарорга 2-иловага мувофиқ **туманларни доривор ўсимликлар етиштиришга иктисослаштириш**;

доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш бўйича давлат-хўсуслий шериклик ва инвестиция лойиҳалари амалга оширилишини ташкил этиш чораларини кўрсин;

б) Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш қўмитасининг буюртмаларига асосан ёввойи ҳолда ўсувчи қав-

6. **Бош прокуратура** (Ш.Ж.Рахимов) ва **Ҳисоб палатаси** (Б.Т.Турабов) **доривор ўсимликларни қайта ишлаш бўйича амалга ошириладиган лойиҳалар** доирасидаги маблағларнинг мақсадли ажратилиши ва сарфланиши устидан доимий назорат ўрнатсин ҳамда ҳар ярим йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот киритиб борсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис палаталарига доривор ўсимликларни табиий муҳитдан териб олишга квота ажратиш ва унинг шартларига қатъий риоя қилиниши устидан парламент ва жамоатчилик назоратини ўрнатиш тасвия этилсин.

8. Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (А.А.Ходжаев), Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (А.К.Қўчимов), Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (А.Ж.Хаджаев) Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги (Ж.А.Ходжаев), Ўзбекистон фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши (А.А.Хайтов) билан биргаликда оммавий ахборот воситаларида мазкур Фармоннинг мазмун-моҳиятини аҳолига тушунтиришга оид материаллар, туркум телекўрсатувлар намойиш этилишини ташкил этсин.

9. Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги, Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги, Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш қўмитаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой мuddатда қўнуңчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгаритириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

10. Мазкур Фармоннинг ихросини ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб қишлоқ ҳўжалиги вазири Ж.А.Ходжаев, соғлиқни сақлаш вазири Б.А.Мусаев, Ўрмон ҳўжалиги давлат қўмитаси раиси Н.Ж.Бакиров, Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш қўмитаси раиси Б.Қ.Шарипов, Ўзбекистон фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси А.А.Хайтов белгилансин.

Фармон ихросини ҳар чорақда муҳокама қилиб бориш, ихро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ш.М.Ғаниев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси	Ш. МИРЗИЁЕВ
Президенти	
Тошкент шаҳри, 2022 йил 20 май	

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Қ А Р О Р И

ХАЛҚАРО РЕЙТИНГ ВА ИНДЕКСЛАР
БИЛАН ИШЛАШДА ИЛМЙ САЛОҲИЯТ
ҲАМДА АМАЛИЙ ФАОЛИЯТ
УЙЎУНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ
ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш бўйича республика кенгашининг (кейинги ўринларда — Республика кенгаши) ишчи органлари (Молия ва Адлия вазирликлари) паст кўрсаткичли индикаторларга масъул давлат органлари бўйича соҳа ва тармоқлардаги мавжуд тизимли хатоликларни бартараф этиш лойиҳаларини Тарақиёт стратегиясини амалга оширишга қаратилган ҳар йиллик давлат дастурларига киритади;

паст кўрсаткичли индикаторларга масъул давлат органлари давлат дастурига киритилган лойиҳаларни амалга оширадди ҳамда Республика кенгашига лойиҳани амалга ошириш натижалари бўйича ахборот бериб боради.

3. Устувор халқаро рейтинг ва индексларнинг таркибий индикаторлари доирасида **мунтазам паст баҳоланиб келинаётган соҳа ва тармоқларни жадал ривожлантириш бўйича ўрта ва узок мuddатли стратегияларни ишлаб чиқиш режаси** иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Халқаро рейтинг ва индекслар бириктирилган илмий ташкилотлар томонидан PMI RMBOK халқаро стандарти асосида ишлаб чиқилган тақлифлар Ўзбекистон Республикасининг устувор халқаро рейтинг ва индекслар, уларнинг таркибий индикатори ва субиндикаторларидаги ўрнини яхшилашга қаратилган стратегия, концепция ва дастурлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда масъул давлат органлари томонидан биринчи навбатда инобатга олинсин.

Вазирлик ва идораларнинг биринчи раҳбарлари Устувор халқаро рейтинг ва индексларнинг таркибий индикаторлари доирасида **мунтазам паст баҳоланиб келинаётган соҳа ва тармоқларни жадал ривожлантириш** бўйича ўрта ва узок мuddатли стратегияларни ишлаб чиқишда қўйидагилар назарда тутилсин:

4. Устувор халқаро рейтинг ва индексларнинг таркибий индикаторлари доирасида мунтазам паст баҳоланиб келинаётган соҳа ва тармоқларни жадал ривожлантириш бўйича ўрта ва узок мuddатли стратегияларни ишлаб чиқишда қўйидагилар назарда тутилсин:

мунтазам паст баҳоланиб келинаётган соҳа ва тармоқлардаги мавжуд тизимли хатоликларни аниқлаш ва хатловдан ўтказиш;

халқаро рейтингларда мазкур индикаторлар бўйича энг юқори балл тўплаган ҳамда катта сурьатлар билан ўсишга эришяётган мамлакатларда амалга оширилган ислохотларни ўрганиш;

халқаро тажриба асосида паст кўрсаткичли индикаторлар бўйича тегишли соҳа ва тармоқлар кўрсаткичларини кескин оширишни қафолатловчи стратегиялар ҳамда стратегияларнинг таркибий дастури ва лойиҳаларини ишлаб чиқиш;

ишлаб чиқилган лойиҳа ва дастурларни йиллик давлат дастурларига киритиш ҳамда лойиҳаларни бошқаришни PMI RMBOK халқаро стандарти асосида амалга ошириш.

5. **2022 йил 1 сентябрдан** бошлаб Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида (кейинги ўринларда — Академия) давлат органларининг бошқарув кадрлари учун устувор халқаро рейтинг ва индекслар бўйича қисқа мuddатли **малака ошириш курслари** (кейинги ўринларда — малака ошириш курслари) жорий этилсин.

Белгилансинки:

Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ҳар йили **1 январга қадар** устувор халқаро рейтинг ва индексларнинг таркибий индикаторлари доирасида баҳоланадиган соҳалар бўйича малака ошириш курсларида иштирок этадиган давлат хизматчилари контингентини Академияга тақдим этади;

малака ошириш курсларининг ўқув режа-дастури Академия томонидан ишлаб чиқилади ва **Республика кенгашининг** ишчи органлари билан келишилади;

малака ошириш курсларининг ўқув-услубий материаллари Академия томонидан халқаро рейтинг ва индекслар бириктирилган илмий ташкилотлар билан ҳамкорликда ишлаб чиқилади;

малака ошириш курсларига жалб этилган Академия профессор-ўқитувчилари ва илмий ходимлари илгор хорижий тажриба билан танишиш ва илмий салоҳиятини янада ошириш учун нуфузли хорижий университетлар, илмий марказлар ҳамда халқаро ташкилотларга малака ошириш курслари ва стажировкага юборилади;

давлат органлари ходимлари учун ўқув-услубий материалларни тайёрлаш, малака ошириш курсларини ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ харажатлар Давлат хизматини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари хисобидан қопланади;

давлат органларининг ҳудудий тузилмалари бошқарув ходимлари учун малака ошириш курслари масофавий тарзда ташкил этилади;

ҳўжалик жамиятлари ва бошқа ташкилотлар бошқарув кадрларининг устувор халқаро рейтинг ва индекслар бўйича малакасини ошириш харажатлари шартнома асосида буюртмачилар маблағлари ҳисобидан қопланади.

6. Халқаро рейтинг ва индекслар би-

лан ишлашга масъул давлат хизматчиларига Академияда қўйидаги билим ва кўникмалар ўргатилишга алоҳида эътибор қаратилсин;

давлат органлари фаолиятини глобал миқёсда баҳолаб борувчи тегишли устувор халқаро рейтинг агентликлари ва уларнинг фаолияти;

рейтинг агентликларининг баҳолаш методикалари, мезон, индикатор ва субиндикаторлари;

рейтинг агентликларининг йиллик ҳисоботларида мамлакатимиз соҳа ва тармоқларнинг мунтазам паст баҳоланётган субиндикаторлари ва уларнинг сабаблари;

паст кўрсаткичли мезонлар бўйича глобал рейтингда пешқадам мамлакатлар ҳамда мазкур мезонлар бўйича ўз кўрсаткичларини тез сурьатлар билан яхшилаб бораётган мамлакатларнинг тажрибаси ва амалга ошираётган ислохотлари;

паст кўрсаткичли субиндикаторлар бўйича мамлакат соҳа-тармоқларидаги тизимли хатоликларни бартараф этиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш амалиёти.

7. Республика кенгаши ишчи органлари (Т.Ишметов, Р.Давлетов) малака ошириш курсларини сифатли ташкил этиш ва ўтказиш мақсадида Академияга қўйидагилар юзасидан кўмаклашиб борсин:

устувор халқаро рейтинг ва индексларнинг таркибий индикаторлари ва субиндикаторлари бўйича соҳа ва тармоқлар кесимида ишлаб чиқилган лойиҳалар ҳамда уларнинг амалга оширилиши борасидаги маълумотларни ҳар чорақда тақдим этиб бориш;

устувор халқаро рейтинг ва индексларнинг таркибий индикаторлари ва субиндикаторлари бўйича соҳа ва тармоқлар кесимида ишлаб чиқилган лойиҳалар ҳамда у

БМТНИНГ ХОТИН-ҚИЗЛАРГА НИСБАТАН КАМСИТИШНИНГ
БАРЧА ШАКЛЛАРИГА БАРҲАМ БЕРИШДА ПАРЛАМЕНТЛАР ИШТИРОКИ

Парламентларо Иттифок (ПАИ) томонидан “БМТнинг хотин-қизларга нисбатан камситишнинг барча шаклларига барҳам беришда парламентлар иштироки” мавзусида биринчи вебинар ташкил этилди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари Акмал Саидов сўзга чиқди.

Гендер тенглик

Таъкидлаш жоизки, БМТ Конвенциясини ратификация қилган 189 давлат қаторига Ўзбекистон ҳам қиради. Ишти- роқчи давлатлар ҳар тўрт йил- да бир марта Конвенция

қоидаларининг татбиқ этилиши юзасидан ҳисобот бериб бо- риши кўзда тутилган. Жорий йилнинг февралда Ўзбекистон олтинчи даврий ҳисоботини тақдим этди.

Вебинардан кўзланган асосий мақсад — парламентларга ҳисо- бот тақдим этиш жараёнида ва БМТнинг хотин-қизларга нисбатан камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги кон- венциясини фаол амалга ошириш- га қаратилган чоралар қабул қилишда қўллаб-қувватлашдан иборат.

Тадбирда ҳисоботлари кўриб чиқилиши режалаштирилаётган мамлакатлар, шунингдек, ПАИ билан техник ҳамкорликдан ҳозирда манфаат кўраётган мамлакатлар парламентлари

иштирок этди. Вебинар доира- сида депутатлар бошқа давлат- лар парламентлари ҳамда БМТ кўмитаси экспертлари билан бир қатор масалалар юзасидан му- лоқот қилди.

Дастурга кўра, учта мавзу бўйи- ча сессия бўлиб ўтди. Парламент кўйи палатаси Спикерининг бирин- чи ўринбосари, ПАИ вице-прези- денти А. Саидов ўз нутқида Ўзбе- кистонда хотин-қизлар ҳуқуқ ҳамда имкониятларини кенгайтириш, ген- дер тенгликка эришишга қаратил- ган ислохотлар тўғрисида батаф- сил маълумот берди. Бу борада

яратилган институционал база, ҳуқуқий асослар ҳамда 2030 йил- гача Ўзбекистонда гендер тенг- ликка эришиш стратегияси хусу- сида тўхталди.

Айтиш жоизки, А. Саидов ПАИ томонидан парламент аъзолари учун мўлжаллаб тайёрланган “Гендер жиҳатларини инобатга олувчи қонун ижодкорлиги” кито- би муаллифларидан биридир. Инглиз тилида чоп этилган ки- тобда Ўзбекистон тажрибаси ба- тафсил ёрилган.

«Халқ сўзи».

Жараён

ДЕМОКРАТИК
ТАМОЙИЛЛАРГА
МОС ТАРЗДА
ЎТКАЗИЛМОҚДА

Айни кунларда мамлакатимиз бўйлаб фуқаролар йиғинлари раислари сайловлари демократик тамойиллар асосида ўтказилмоқда. Мазкур тадбирга тегишли қонун ҳамда Олий Мажлис Сенати Кенгашининг “Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарори асосида пухта ҳозирлик қўрилган бўлиб, бу сайлов жараёнида яққол намоён бўлимоқда.

Хусусан, Самарқанд ви- лоятда ҳам сайловлар очик ва шаффоф тарзда ўтказил- моқда. Масалан, Оқдара тума- нидаги “Гўзалкент” маҳал- ла фуқаролар йиғинида сайловда бевосита 391 на- фар фуқаро иштирок этди. Маҳалла фуқаролар йиғини раислигига номзодларнинг сайловдан дастурлари би- лан танишиб чиққан сайлов- чилар ўзлари муносиб деб билан оқсоқолни танлаб олди.

Шунингдек, Тойлоқдаги “Жалолобод”, “Узунқашлоқ”, “Навзандак”, “Сарибозор” ва учта қишлоқни бир- лаштирган “Уқрач” маҳалла

фуқаролар йиғинларида ҳам муносиб номзодлар раис сифатида сайланди. Мазкур ҳудудларда бўлган Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва кор- рупцияга қарши курашиш кўмитаси раиси Н. Умаров, вилоят маҳалла ва нуруний- ларни қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиги И. Жабборов сайлов жараё- нини яқиндан кузатди.

Сенатор томонидан қайд этилганидек, сайлов жараёни- ларига пухта ҳозирлик қўрил- гани унинг юқори савида ҳамда шаффоф ва ошқора тарзда ўтказилишида муҳим омил бўлди.

«Халқ сўзи».

“БУХОРО
ДЕКЛАРАЦИЯСИ” —
МУҲИМ ТАРИХИЙ
ҲУЖЖАТ

Ўзининг салкам уч минг йиллик тарихи мобайнида дунё цивилизацияси ва турли халқлар маданияти чоррахаси бўлиб келган ва келаётган Тошкент, Самарқанд ва Бухоро заминида “Декларациялар мулоқоти” халқаро форуми ўтказилди. Мазкур халқаро анжуманда Шимолий Америка, Европа, Осиё, Яқин Шарқ ҳамда Африканинг турли диний конфессияларига мансуб вакиллар, таниқли уламолар, диншунос олимлар ва ҳуқуқшунослар иштирок этди.

Эътироф

“Декларациялар мулоқоти” халқаро форумининг хорижий иштирокчилари турли диний ҳамжамиятлар ўртасида то- лерантлик ва дўстликни мустаҳкамлаш, эътиқод эркинлигини таъминлаш со- ҳасида юртимизда тўпланган бой тарихий-маданий мерос ва сиёсий-ҳуқуқий тажриба билан танишди.

Пойтахт Тошкентда бош- ланган форум Самарқандда давом этган бўлса, сўнг Бухорога кўчди. Мазкур ну- фузли халқаро форумда маъ- навият ва дин мухокамалар марказидаги масалалар сифатида намоён бўлди.

Бухоро декларацияси “Декларациялар мулоқоти” халқаро форумида қабул қилинган яқуний ҳужжат ҳисобланади. Унда Ўзбеки- стон ҳамда жаҳон ҳамжамия- тининг эътиқод эркинлигини тарғиб қилиш борасидаги амалий қадамлари ўз ифо- дасини топган.

Тарихга назар ташлаганда, 2019 йилда илк мартаба таш- кил этилган ушбу халқаро форум Президентимизнинг ташаббуси билан 2018 йил- да БМТ Бош Ассамблеяси- да қабул қилинган “Маъри- фат ва диний бағрикенглик” резолюцияси тамойилларини ҳаётга илчил татбиқ этиш борасидаги тизимли ишлар- нинг амалий ифодасидир. “Бухоро декларацияси” маърифат гоёлари ва бағрикенглик маданиятини тарғиб қилишга қаратилган.

Форумда АҚШ Давлат де- партаменти собиқ катта мас- лахатчиси Нокс Темз дин ва эътиқод эркинлигини ҳимоя қилишда сайи-ҳаракатларни бирлаштириш муҳимлигини билдирди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг би-

ринчи ўринбосари, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий мар- кази директори Акмал Саидов халқаро конферен- цияда сўзлаган нутқида бу- гунги кунда диний эркинлик соҳасидаги ислохотлар Ўзбекистонда амалга оши- риладиган сиёсий-ҳуқуқий ислохотларнинг асосий қисми эканлиги, миллат- лараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш янги Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги асосий устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланга- нини, инсон ва фуқаронинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъ- минлашга, Ўзбекистоннинг бирлиги ва яхлитлигини мустаҳкамлашга қаратилган- лигини, мамлакатимизнинг миллатлараро муносабатлар соҳасидаги давлат сиёсати концепцияси ҳаётга илчил татбиқ этилаётганлигини таъкидлади.

Форумда “Бухоро декла- рацияси” бир овоздан қабул қилинди. У турли миллат- лараро ва динлараро кара- ма-қаршилик ҳамда келишмов- чиликларнинг олдини олиш, жаҳон миқёсида ўзаро ҳам- жиҳатлиқни мустаҳкамлашда мамлакатимизнинг етакчи ролини таъминловчи тарихий ҳужжат бўлиб қолади.

Умуман, ушбу ҳужжат Ўзбекистоннинг дунё ҳамжа- миятида диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувлики янада мустаҳкамлашга қўшган улкан ҳиссаси бўлиб хизмат қилиши, шубҳасиз.

Назир СОБИРОВ,
Олий Мажлис
Қонунчилик палатаси
депутати.

ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ
РАҒБАТЛАНТИРИЛАДИ

Президентимизнинг шу 17 май куни қабул қилган “Тиббиёт муассасалари ходимларини моддий қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони соҳадаги ислохотларнинг мантиқий давомий бўлди.

Акс садо

Мазкур ҳужжат билан 1 июндан бошлаб давлат тиббиёт муассаса- лари тиббиёт, фармацевтика ва бошқа ходимларининг ойлик лаво- зим маошлари тоғисига қараб 10 — 15 фоизга оширилиши белгиланди.

Шунингдек, Тиббиёт муассасала- рининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси маблаг- ларининг 75 фоизи гуруҳидан қатъи назар, барча давлат тиббиёт муас- сасалари ходимларини моддий рағ- батлантиришга, 25 фоизи тиббиёт муассасасининг моддий-техника ба- засини мустаҳкамлаш, модернизация қилиш ҳамда таъмирлашга йўналти- рилаётган бўлди.

Ходимлари янги рағбатлантириш тизимининг эътиборли жиҳати шун- даки, давлат тиббиёт муассасаси- нинг юқори малакали, алоҳида нати- жага эришган, ҳалол ва виждонан ишлаётган тиббиёт ҳамда фарма- цевтика ходимларига ойлик лавозим маошининг 100 фоизигача ҳамда бошқа ходимларга 75 фоизгача ой- лик устамалар, янги иш бошлаган салоҳиятли ёш шифокорларга 1 ми- лион сўмгача махсус ойлик устамалар, оилавий шифокор пунктлари, оилавий поликлиникалар ва кўп тар- моқли марказий поликлиникаларда кундузги стационар иш вақтини соат 20:00 гача узайтириш ҳисобига ик-

кинчи сменада ишлов- чи шифокор ҳамда ҳам- шираларга лавозим маошининг 30 фоизига- ча ойлик қўшимча уста- малар, юқори техноло- гик мураккаб опера- цияларни бажарган шифокор-хирургларга лавозим маошининг 25 фоизи миқдорда қўшимча устамалар тўлаб берилди.

Электрорат билан уч- рашувлар жараёнида кўп маротаба шифокорлар ва тиббиёт ходимлари томонидан кўтарилган яна бир долзарб масала ушбу ҳужжат билан ўз ечимини топди, десак, асло муболаға бўлмайди.

Яна бир муҳим масала. Эндилик- да, Соғлиқни сақлаш вазирлиги Мо- била вазирлиги билан биргаликда тиб- биёт ходимларини тиббий кўриқдан ўтказиш билан боғлиқ харажатлар учун зарур маблағларни доимий ра- вишда тиббиёт муассасаларининг харажатлар сметасида кўзда тутил- шини таъминлайди.

Тиббиёт ривож илмисиз бўлмай- ди. Касалликлар профилактикасида фаол қатнашаётган ва касалликлар- ни доволашнинг янги усуллари ва услубларини ҳаётга жорий этаётган, доволаш-профилактика муассасала-



Сирожидин ВОХИДОВ олган сурат.

рининг ходимларини рағбатлантириш. Давлат бюджетни маблағлари ҳисо- бидан фан доктори (Doctor of Science) илмий даражаси учун лаво- зим маошининг 60 фоизгача, фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) илмий даражаси учун лавозим мао- шининг 30 фоизгача миқдорда ҳар ойлик қўшимча ҳақ тўлашнинг бел- гилианиши тиббиётда илмий ёндашув- ларнинг кучайишига олиб келади.

Қисқача айтганда, миллат бойли- ги бўлиши инсон саломатлигини авайлаб-асраш, мустаҳкамлаш йўли- даги ислохотлар халқимиз генофон- дини сақлашга замин яратяди.

Нодира ЖОНИБЕКОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати.

ҚИЙНОҚЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН СИЁСАТИ
ВА УНИНГ НАТИЖАЛАРИ ҲАҚИДА ЭКСПЕРТЛАР ҚАНДАЙ ФИКРДА?

Мамлакатимизда фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини янада кучайтириш, жумладан, қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёхуд қадр- қимматли камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш ҳолатларига йўл қўймаслик мақсадида кенг қамлали ислохотлар амалга оширилмоқда. Қолаверса, қийноққа солишнинг барвақт олдини олиш, у билан боғлиқ мурожаатларни тезкор равишда ҳолисона кўриб чиқиш, ҳаракатланувчи эркинлиги чекланган шахслар сақланадиган жойларга мониторинг ташрифларини мунтазам амалга ошириш бўйича ҳам тизимли ишлар йўлга қўйилди.

Мухбиримиз мазкур соҳада амалга оширилаётган чора-тадбирлар, эришилган ютуқ ва натижалар, келгусидаги устувор вазифалар хусусида тегишли идоралар мутасаддилари, маҳаллий ҳамда хорижий экспертлар фикри билан қизикди.

Инсон қадри учун

Финнуала Ни ИЛОЙН, БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг Терроризмга қарши курашишда инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш масалалари бўйича махсус маърузачиси:

— Мамлакатингизда инсон ҳуқуқларини таъминлаш, қийноқ ҳолат- лари ва уларни келтириб чиқарувчи сабабларни бартараф этишга қаратилган ишлар алоҳида эътирофга лойиқ.

Утган йилнинг ноябрь-декабрь ойларига Ўзбекистондаги бир неча жазони ижро этиш муассасалари ҳамда тергов ҳибсхонаси фаолияти билан танишган эксперт сифатида шунга айтишми мум- кинки, қамқоҳоналардаги шарт-шароитлар яхши. Шунингдек, маҳкум ва маҳбусларга кўрсатилаётган тиббий, психологик хизмат, уларни иш билан таъминлаш, оила аъзолари билан учрашиш учун шaroитлар, қолаверса, руҳий ва жисмоний қийноқ ёки уларнинг ҳуқуқлари поймол этилганлиги ҳолатлари бўйича тўғридан-тўғри Омбудсман қутилари орқали мурожаат қилиш имконияти яратилганини ҳам яхши амалиёт, дея баҳолаш мумкин.

Надин МАЭНЗА, АҚШнинг Халқаро диний эркинлик бўйича комиссияси раиси:

— Ўзбекистонга жорий йилда ташриф буюрган эксперт сифа- тда сўнги тўрт йил ичида мамлакатда диний эркинлик, қамқоҳ- наларда диний амалларни бажариш борасида илчил ўзгаришлар амалга оширилган, деб айта олам.

Мамлакатингизда бўлишим давомида қатор мансабдор шах- слар, фуқаролик жамияти вакиллари ҳамда дин етакчилари билан учрашдим. Ҳақиқатан ҳам, Ўзбекистон сўнги йилларда ижобий ва сезиларли ўзгаришларга эришган, бундан кейин ҳам диний эр- кинлигининг янада очик шартларига ўтаётгани мени қувонтирди.

Абдурахмон ТАШАНОВ, Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари “Эзгулик” жамияти раиси:

— Миллий пре- вентив механизм доирасида амалга оширилаётган мо- ниторинглар жамо- атчилик орасида муҳокамаларга са- баб бўлиб, ўз самарасини бераётганидан гоёта мамнуним.

Чунки жуда кўпчилик ижтимоий тар- моқларда ва оммавий ахборот восита- ларида ишларимизни ижобий баҳолашяп-

Феруза ЭШМАТОВА, Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман):

— Ўзбекистон қийноқларнинг олдини олиш ҳамда унинг ҳар қандай кўринишига қарши курашиш бўйи- ча ўзининг қатъий позициясига эга. Давлатимиз раҳбари 2021 йилнинг 22 февраль куни БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясида нутқ сўзлаганида ҳам айнан шу масалага эътибор қаратди.

Бу сўзларнинг амалий натижаси сифатида 2021 йилнинг 26 июнида “Қийноққа солиш ҳолатла- рини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент қарори қабул қилинди. Маз- кур ҳужжат нафақат ушбу иллатни барвақт аниқлаш, бартараф этиш, балки қийноқдан жабр кўрган инсонларга ҳар томонлама ёрдам бериш ва уларга етказилган зарарни компенсация қилишга қаратил- ганлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

Ушбу қарорда Омбудсман институтига ҳам қатор вазифалар юкланди. Унга кўра, Ўзбекистонда Омбудсман экспертлик гуруҳи негизида Жамоатчи- лик гуруҳларини тузиш ва уларга гаултахта, махсус қабулхона, вақтинча сақлаш ҳибсхонаси, тергов ҳибсхонаси, жазони ижро этиш муассасаси, интизо-

Аъзамжон ФАРМОНОВ, Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари Хуқуқий таянч жамоат биришмачиси раиси:

— Мониторинг ташрифла- рида айрим маҳкумлар билан юзма-юз гаплашиш им- кониятига эга бўляпти. У ердаги шaroит бундан 3-4 йил олдинги ҳолатга нисбатан жуда кескин фарқ қилади. Маҳкумларнинг яшаш шaroитлари яхшилан- ган ҳамда уларга турли хил касб эгаллаш билан боғлиқ имкониятлар тақдим қилинган.

Шўхрат ҒАНИЕВ, “Гуманитар ҳуқуқий марказ” директори:

— Омбудсманнинг қий- ноқларнинг олдини олиш бўйича Миллий превентив механизм доирасида пени- тенция муассасаларга амалга оширилаётган мони- торинг ташрифларида 2019 йилдан бери иштирок этиб келаман. Фуқаролик жамияти вакили сифатида айтишми мумкинки, бу мулоқот бизга жуда керак. Нафақат бизга, балки давлат органларига ҳам. Чунки биз икки томонлама мониторингларда иштирок этиш билан самарали шаффофликка эришишимиз мумкин. Чунки бир томонлама шаффофлик ҳеч қачон бўлмайди. Ва албатта, бизга давлат томонидан бил- дирилаётган ишонч биз учун катта ёрдам.

ҚАТОР СОҲАЛАРДА
КОРРУПЦИЯ ҲОЛАТЛАРИ
ҲАМОН МАВЖУД

Коррупция инсоният тараққиётига жиддий халал берувчи, жамиятни ичдан емирувчи хатарли иллат саналади. Шу боис ҳам охириги йилларда унга қарши курашиш юртимизда давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бири даражасига кўтарилди.

Таҳлил

Буни соҳага доир концептуал аҳамиятга молик норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилингани ҳамда кор- рупциянинг олдини олишга қаратил- ган маъмурий ислохотлар илчил да- вом эттирилаётганлиги мисолида ҳам кўриш мумкин. Хусусан, коррупция- нинг олдини олиш ва унга қарши му- росасиз курашишнинг илгор халқаро стандартларга асосланган тизимини жорий этиш чоралари кўрилоқда.

Шуларга мос равишда давлат органлари ва ташкилотлари бартараф қилиш- тида очиклик, ошқоралик ва шаффоф- ликни таъминлаш, мансабдор шах- сларнинг аҳоли олдидаги ҳисобдорли- гини йўлга қўйиш орқали давлат бошқарувида самарали ва таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга оши- риш учун зарур шaroит яратилмоқда.

Сўнгги йилларда рақамли техно- логиялар имкониятидан фойдаланган ҳолда транспорт воситаларига дав- лат рақам белгиларини бериш, нота- риат ва бошқа давлат хизматларини кўрсатиш, ер участкаларини ажратиш, йўл ҳаракати қоидаларига риоя эти- лишини назорат қилиш борасида кор- рупция ва суиестивмоқчиликларнинг олдини олишга қаратилган самарали механизмлар ҳаётимизга татбиқ этилди.

Афсуски, шу каби саъй-ҳаракат- ларга қарамай, бюджет маблағлари- дан фойдаланиш, давлат харидлари, капитал қурилиш, лицензия ва рух- сатнома олиш, банк кредитини ажра- тиш, ишга қабул қилиш каби қатор йўналишларда коррупция ҳолатлари ҳамон сақланиб қолмоқда. Бу ҳақда давлат раҳбари ҳам бир неча марта таъкидлаб ўтди.

Бу каби қамчиликларни бартараф этиш ва соҳадаги ислохотларни яна- да илчил давом эттириш мақсадида куни кеча Президентимизнинг тегиш- ли қарори эълон қилинди.

Ҳужжатда давлат органлари ва таш- килотларининг коррупцияга қарши ку- рашиш борасидаги фаолиятини та- комиллаштириш, уларга юклатилган вазифа ва функцияларни амалга оши- ришда коррупциявий хавф-хатарлар-

ни баҳолаш тизимини кенг жорий этиш билан боғлиқ вазифалар ўз ифодаси- ни топган.

Эндиликда “Е-Антикоррупция” лойиҳаси доирасида давлат ҳокимия- ти ва бошқаруви органлари, уларнинг ҳудудий бўлинмалари, давлат унитар корхоналари ва муассасалари фао- лиятида коррупциявий хавф-хатарлар- ни мажбурий аниқлаш ҳамда баҳолаш тизими жорий этилмоқда.

Аниқланган натижалар бўйича мав- жуд хавф-хатарларни бартараф қилиш чораларини тизимлаштириш мақсади- да “Коррупцияга мойил бўлган муно- сабатлар электрон реестри”ни шакл- лантириш ва юритиш назарда тути- лаётгани ҳам эътиборлидир. Бу, ўз навбатида, бир қатор коррупциявий хавф-хатарлар натижаси билан ку- рашишга, балки унинг келиб чиқиб сабабларини аниқлаш ва уларни ти- зимли таҳлил қилишга ҳам имконият яратяди.

Шунингдек, коррупциявий хавф-ха- тарларни қамайтириш борасидаги қонунчилик ҳужжатларини тақомил- лаштириш, инсон омилини қисқарти- риш, айрим тартиб-таомиллар ва функцияларни рақамлаштириш, шаф- фофликни таъминлаш бугун нихоятда муҳим. Бу борада, айниқса, жамоатчи- лик назоратини йўлга қўйиш ва ку- чайтириш ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Ўз навбатида, қарорда хавф-хатар даражаси белгиланиши (“паст”, “ўрта”, “юқори”), коррупциявий хавф-хатарлар харитасини тузиш амалиёти, хавф-ха- тарлар Реестри “E-Anticor.uz” плат- формасида акс эттирилиши, ягона интерактив майдонча — “Коррупцияга қарши курашиш виртуал платформа- си” лойиҳаси ишга туширилиши каби қатор вазифалар ҳам белгилаб бе- рилган. Бу Тараққиёт стратегиясида белгиланган вазифаларга йўлн бўлиб, уларнинг илчил ижроси биз, парламент вакилларида ҳам катта маъсулият талаб этади.

Наримон УМАРОВ,
Олий Мажлис Сенатининг
Суд-ҳуқуқ масалалари ва
коррупцияга қарши курашиш
кўмитаси раиси.

мий қисм, мажбурий доволаш муассасаларида қийноққа солишнинг олдини олиш бўйича мониторинг ташриф- ларини мунтазам равишда амалга ошириш вазифаси юклатилди.

Утган йил давомида Омбудсман ва унинг ҳузури- даги Жамоатчилик гуруҳлари томонидан ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шахслар сақланадиган жойлар- га 177 мартаба мониторинг ташрифлари амалга оширилди. Мазкур мониторинг ташрифлари очик ва шаффоф ҳолда ёритиб бориляпти. Қолаверса, Омбудсманнинг инсон ҳуқуқларини таъминлаш бўйича йиллик ҳисоботлари ва қийноқларнинг олдини олиш бўйича Олий Мажлис палаталарига тақдим этган йил- лик маърузаси ombudsman.uz сайтига joyлаштирил- ган ва барча учун очик.

Ўзбекистон инсон қадрини юксалтириш йўлидан бормоқда. Олдинда белгиланган марраларимиз кўп, натижаларимиз ҳам эътирофга лойиқ. Ўйлайманки, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш бораси- даги ислохотлар занжири ўзининг ижобий натижалар- ини йил сайин кўрсатаверади.

Мен жазони ижро этиш жойида асосий эътибор берган нарса, бу — руҳий ва жисмоний қийноқлар қай ҳолатда, деган саволга жавоб излаш бўлди. Ай- нан Жиноят кодексининг 159, 244-моддалари билан жазо муддатини ўтаётган маҳкумлар билан ҳам суҳ- батлашдим ва бирор-бир маҳкумдан руҳий-жисмо- ний қийноқлар ҳақида эшитмадим.

Узимнинг собиқ маҳкум эканлигим, қийноқлар бўлаётган бўлса тортинамасдан гапиришлари мум- кинлигини айтганимда, улар ҳозир аввалгидек қий- ноқлар йўқлиги, фақат озоқлик етишмаётгани, ўз оилаларини соғинганликларини билдирди. Уларнинг яшаш шaroитлари, озиқ-овқати ва бошқа шaroитларни кириб ўргандим ва ҳеч қандай қони- қарсиз ҳолатни учратмадим.

Жазони ижро этиш муассасалари, тергов ҳибс- хоналари, вақтинчалик сақлаш жойлари, изолятор, шунингдек, пандемия шaroитида Хоразм ва Бухоро вилоятларидаги карантин ҳудудлари ва бошқа объектларга ўтказилган мониторинг ташрифларида фуқаролик жамияти вакили сифатида ҳеч қандай тўсиқларга учрамадим.

Учрашувлар жараёнида айнан қийноқ масаласида 3 та мурожаат келиб тушди. Лекин, қайд этиш жоиз- ки, ҳозирги пайтгача ҳақиқатда қийноқ бўлган, дея олмайдим. Чунки бизга мурожаат қилганларнинг ак- сари ятти бир оё бўлса-да, енгиллик бўлиши ёки ша- роитини яхшилаб олиш мақсадида қийноқ масала- сида ариза ёзишади. Афсуски, бундай ҳолатлар ҳам учрайди.

Халқаро анжуман

КОРОНАВИРУСГА БАҒИШЛАНГАН
ИЛК ИЛМИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ
ЎЗБЕКИСТОНДА ЎТКАЗИЛМОҚДА

Пойтахтимизда “COVID-19” коронавируснинг биологияси, этиологияси ва физиологияси” мавзuida халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтмоқда. Коронавирусга бағишланган халқаро илмий анжуман биринчи бўлиб Ўзбекистонда ўтказилаётгани илмий жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотмоқда.

— Тўғри, шу пайтгача дунёнинг кўплаб мамлакатларида ушбу касалликка бағишланган йиғилишлар ўтказилган бўлса-да, ҳали бирор жойда илмий анжуман ташкил этилгани йўқ, Ўзбекистон бу борада биринчи бўлди, — деди конференцияда онлайн иштирок этаётган Харвард университети (АҚШ) профессори Рафаил Кушак. — Юртингизда коронавирусдан жомояланиш, инфекция тарқалишининг олдини олиш, унинг аҳоли саломатлиги, иқтисодий-иқтисодий қарорларга салбий таъсирини камайтириш бўйича ижобий натижаларга эришилди.

Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати бош-лигининг ўринбосари Нурмат Отабековнинг айтишича, вирусли касалликларнинг ушбу янги тури инсоният учун синов бўлиб, айна пайтда дунё халқларига ўз имкониятларини тўғри баҳолашга туртки бўлди.

— Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан кўрилган тезкор чора-тадбирлар туфайли коронавирус пандемияси энг юқори чўққига чиққан пайтда ҳам Ўзбекистонда вазият барқарор ушлаб турилди. Касаллик занжирини тарқалишининг олди олинди. Натижада пандемиядан кам талафот, ёруғ юз билан чиқдик, — деди Н. Отабеков.

Ушбу нуфузли йирик тадбир Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати, Тошкент тиббиёт академияси, Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг Одам ва ҳайвонлар физиологияси кафедраси ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда жаҳоннинг 20 дан ортқ давлатларидан етук мутахассислар, юртимиз ва хорижнинг ўнлаб фармацевтика компаниялари вакиллари иштирок этмоқда.

— Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти



маълумотларига қараганда, юкумли касалликларнинг 80 фоизини вирусли касалликлар ташкил этади, — дейди Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети профессори, академик Бакриддин Зарипов. — Юкумли касалликларнинг коронавирусга ўхшаш янги турлари пайдо бўлаётгани нафақат соғлиқни сақлаш ходимлари, балки илмий жамоатчилик, айниқса, физиолог олимларни изланишга, “янгидан пайдо бўлаётган”, “қайтаётган” сифатига мансуб касалликларни бартараф этишга хизмат қиладиган илмий тадқиқотлар олиб боришга ундамоқда.

Бугунги конференцияда коронавируснинг биологияси, физиологияси ва бу касалликнинг олдини олиш йўллари бўйича амалга оширилган илмий ишлар яқунлари муҳокама қилиняпти. Эътиборлики, улар орасидан энг мақбуллари амалийётга татбиқ қилиш масалалари ҳам кўриб чиқилляпти.

Долзарб мавзуларда маърузалар ўқийтган чет эллик экспертлар коронавирус тарқалишининг олдини олиш, инфекция занжирини узиш, беморларни даволаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш бўйича Ўзбекистонда кўллаб ижобий ютуқлар кўлга қиритилганини эътиборга олдилар. Айниқса, полимер занжир реакцияси усулида таҳлил ўтказишга ихтисослашган вирусологик лабораториялар тизими фаолияти йўлга қўйилгани, касалликка қарши эмлаш жараёнида аҳолига вакцинани танлаш имконияти яратилгани юқори баҳоланди.

«Халқ сўзи».

Пойтахтимиздаги Адиблар хиёбонида “Катта адабиёт байрами” ҳафталиги доирасида “Илҳом” мукофоти голибларини тантанали тақдирлаш маросими ўтказилди.

ЭЪТИБОР ИСТЕЪДОДГА ҚАНОТ

Қайд этиш жоизки, ушбу хиёбон чинакам маърифат манзиллига айланиб бормоқда. Ҳазрат Навоий бобомизнинг, шунингдек, атоқли шоир ва ёзувчилар ҳайкаллари қошидаги мушоиралар, тантанали байрам дастурлари юртдошларимиз маънавиятини бойитмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2020 йилнинг 20 май кунини Адиблар хиёбонининг очилиш маросимида иштирок этиб, бир қатор вазифаларни белгилаб берган эди. Уларнинг ихроси доирасида “Илҳом” мукофоти жорий қилинди.

Тадбир Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ёзувчилар уюшмаси ҳамда қатор ташкилотлар томонидан ташкил этилди. Унда давлат ҳамда жамоат арбоблари, танқили шоир ва ёзувчилар, талаба-ёшлар қатнашди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда ижод аҳли ҳар томонлама кўллаб-қувватланмоқда, “Илҳом” мукофоти эса шоир ва ёзувчилар ҳаёти ҳамда иходини ўрганиш, уларнинг асарларини таржима қилиш, шу асосда тадқиқотлар ўтказиш, кино ва сахна асарлари яратиш каби маънавий-маърифий, илмий-ижодий жараёнларда юқори натижаларга эришаётган ёшларни қашф этишда муҳим аҳамиятга эга бўлаётди.

Ушбу танлов бу йил иккинчи бор ўтказилди. Унинг саралаш босқичи Олий таълим муассасалари доирасида ўтказилиб, унда ўн мингдан ортқ талаба-ёшлар ва мурабийлар иштирок этди. Республика



Объект: ПАЙДАЕВ ўзА Олган сурат.

босқичида эса 53 та олий таълим муассасасидан 115 та иходий иш қабул қилинди. Шундан 3 та асосий ва 3 та рағбатлантирувчи мукофот учун голиблар сараланди. Унга кўра, биринчи ўринга Жамоат хавфсизлиги университети курсанти

Танлов

Шўхратжон Муҳаммадхонлов лойиқ кўрилди ва у Президент совғаси — “Spark” автомобили, махсус диплом ва статуетка билан тақдирланди. Жиззах давлат педагогика институтининг иккинчи босқич талабаси Ҳафиза Мухторова “Илҳом” мукофотининг иккинчи ўрин соҳибаси бўлди. Унга 30 миллион сўм пул мукофоти, махсус диплом

ва статуетка топширилди. Учинчи ўрин Қорақалпоқ давлат университети докторанти Замира Айимбетовага насиб этди. У 15 миллион сўм пул мукофоти, махсус диплом ва статуетка билан тақдирланди. Шунингдек, рағбатлантирувчи мукофот соҳибларига қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёшлар, фан, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт масалалари бўйича маслаҳатчиси Абдужаббор Абдувоҳидов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси раиси Зулайхо Маҳмамова иштирок этди.

«Халқ сўзи».

БОЛАЛАР ОРОМҒОҲЛАРИ МАВСУМГА ТАЙЁРМИ?

Ҳадемай умумтаълим мактабларида жорий ўқув йили нихоясига етиб, ёзги таътил бошланади. Ёз мавсумида болаларнинг мароқли дам олиб, ҳордиқ чикаришларида оромғоҳларда яратилган шарт-шароитлар муҳим ўрин тутаяди. Хусусан, бу йил Хоразм вилоятида 29 та стационар типдаги оромғоҳларда 11 минг 240 нафар ўғил-қиз дам олиши режалаштирилган.

Тараддуд

Қўшқўпир туманидаги “Хумо” оромғоҳида шаҳар ва туманлар ҳокимлари ҳамда бошқа тегишли ташкилотлар раҳбарлари иштирокида ўтказилган кўргазмали семинарда бу йилги мавсумда болалар оромғоҳлари фаолиятини ташкил қилиш билан боғлиқ

долзарб масалалар муҳокама этилди. Вилоят ҳокими Фарход Эрманов бошчилигида жойларда мавсумга тайёргарлик бўйича амалга оширилган ишлар атрофида таҳлил қилинди.

— Оромғоҳларда ўқувчиларнинг мароқли дам олиши,

жисмоний чинқиқиб, саломатлигини мустаҳкамлаш учун барча имконият мавжуд, — дейди Хоразм вилояти қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси раиси Эргаш Юсупов. — Дам олиш масканлари таъмирланиб, мебель ва маиший техника воситалари билан жиҳозлаш, хавфсизлик ва озқовқат таъминоти билан боғлиқ масалалар тўлиқ ҳал этилди. Фан, бадий ижодиёт, мусиқа, спорт-соғломлаштириш тўғрақлари фаолиятини ташкил этиш, кутубхоналарни болаларга мўлжалланган янги адабиётлар билан бойитиш, турли кўрик-танловлар, кўргазмалар, спорт мусоба-

қалари ўтказиш, тарихий жойлар ва табиат қўйнига саёҳатлар уюштириш бўйича режалар белгилаб олинди.

2022 йил ёзги мавсумда болалар оромғоҳларида овқатланиш, маданий-маърифий тадбирлар, ходимлар иш ҳақи ва бошқа харажатлар учун 6 млрд. 159 млн. сўмдан зиёд маблағ сарфланиши кўзда тутилмоқда. Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасининг Шуманай туманидаги бир гуруҳ ўқувчи-ёшларга Хоразмдаги энг сўлим оромғоҳларда дам олишлари учун йўлланмалар ажратилди.

Одибек ОДАМБОВ
(«Халқ сўзи»).

«МИКРОКРЕДИТБАНК»НИНГ СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ
ЗАМОНАВИЙ БИНОДА ИШ БОШЛАДИ

МИКРОКРЕДИТБАНК

Айтиш жоизки, “Микрокредитбанк” акциядорлик тижорат банки жамоаси бу борада етарлича тажрибага эга ҳамда салмоқли натижаларни кўлга қиритмоқда. Банк миқдорлар сафи кенгайиб, кўрсатилаётган хизматлар сифат жиҳатидан тобора яхшиланиб бораётгани ҳам ана шундан далолат беради. Биргина ўтган йили “Микрокредитбанк”нинг барча молиялаштириш маъналари ҳисобидан жами 5,9 трлн. сўмлик кредитлар ажратилиб, 95 мингга яқин аҳоли бандлиги таъминланди. Хусусан, оилавий тадбиркорлиқни ривожлантириш дастурига асосан, 73 мингга яқин аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига 2 048 млрд. сўмлик кредитлар берилиб, 81 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилди.

Банкмииз томонидан бу каби ишларни узвий давом эттириш, миқозларга янада қўлайлик яратиш мақсадида яқинда Сурхондарё вилояти ҳудудий филиалимиз учун янги ва замонавий бино фойдаланишга топширилди. Унинг очилиш маросимига бағишланган тадбир тантанали тус олди.

Таъкидланганидек, Сурхондарё вилоятида “Микрокредитбанк” акциядорлик тижорат банкининг 10 та филиали, 3 та банк хизматлари маркази ҳамда 2 та минибанки ҳудуддаги 200 мингга яқин жисмоний ва юридик шахсларга хизмат кўрсатиб келмоқда. Бугунги кунда банкнинг вилоятдаги 24/7 режимида ишловчи шохобчалари сони 15 тага етган. Ушбу шохобчаларда 49 та банккомат ўрнатилган бўлиб, улар туну кун одамлар хизматиди.

Тижорат банклари бугун нафақат кредит ажратувчи ёки банк хизматларини кўрсатувчи молиявий муассаса, балки одамларнинг оғирини енгил қилувчи, яқиндан ёрдам берувчи ва ишончли маслаҳатчига айланмоқда. Зотан, бу — давр талаби. Чунки аҳоли, яъни миқозлар билан яқин ҳамкорлик қилмасдан, бу борада уларни қўйнаётган масалаларга ечим топмасдан туриб, ижобий натижага эришиш қўйин.

Молия муассасаларида

Бундан ташқари, 2021 йилда вилоятдаги филиаллар томонидан 52 мингдан ортқ аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига 588 млрд. сўмдан ортқ кредит маблағлари ажратилиб, 10 мингга яқин фуқаролар бандлиги таъминланди. Жорий йилнинг биринчи чорагида эса 10 мингга яқин миқозларга 113,1 млрд. сўм миқдоридида кредитлар ажратилиб, 1 200 дан ортқ янги иш ўринлари яратилди. Мисол учун Музаббот туманидаги “Алпомиш Сервис Инвест” хусусий корхонасининг 48,2 млрд. сўмлик (банк кредити 3,5 млн. АҚШ доллари) бир марталик шприц ва бинт ишлаб чиқариш лойиҳасини молиялаштириш ҳисобига 50 та янги иш ўрни яратилди. Шунингдек, ушбу тумандаги “Dustlik Cooperation” МЧЖнинг 109,4 млрд. сўмлик (шундан банк кредити 6 млн. АҚШ доллари) ун ишлаб чиқ-

ришни кенгайтириш лойиҳаси, Қумқўрғон туманида “Нийёзов Абулқосим” хусусий корхонасининг 7,3 млрд. сўмлик (шундан банк кредити 300 минг АҚШ доллари) паррандачилик лойиҳаси, Термиз туманида “Термиз Текстиль” МЧЖнинг 15,9 млрд. сўмлик (шундан банк кредити 1 млн. АҚШ доллари) тўқимачилик маҳсулотларига ранг бериш ва тикуччилик лойиҳасини молиялаштириш ҳисобига 100 дан ортқ янги иш ўринлари яратишга эришилди.

Президентимизнинг 2021 йил 14 июндаги “Паррандачиликни ривожлантириш ва тармоқ озуқа базасини мустаҳкамлашга қаратилган қўшимча чора-тад-



Реклама ўрнида

бирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, бугунги кунда банк Сурхондарё вилоятидаги 12 та паррандачилик корхоналарига хизмат кўрсатиб келмоқда. Ўтган йилда ушбу хўжалиқларга 23 млрд. 770 млн. сўмлик кредит маблағлари ажратилди. Шундан тухум етиштириш йўналишида 7 та лойиҳага 15 млрд. 830 млн. сўм, гўшт етиштириш йўналишидаги 3 та лойиҳага 7 млрд. 940 млн. сўм кредит йўналтирилган. Жарқўрғон туманида фаолият юритаётган “Парранда комплекс” МЧЖга 70 минг дон товуқ ҳамда озуқа ем маҳсулоти сотиб олиш учун 5 млрд. сўм кредит маблағи ажратилиши натижасида корхона томонидан 70 минг дон товуқ олиб келинган. Бугун бу ерда бир кунда ўртача

56 минг дон товуқ олинмоқда. Қолаверса, корхона ички бозордан ташқари, Афғонистонга 2021 йилда 1,5 млн. дон товуқ экспорт қилиши натижасида 100,0 минг АҚШ доллари миқдоридида пул маблағи келиб тушган. Жорий йилда ҳам қўшни давлатларга 5 млн. дон товуқ экспорт қилиш режалаштирилган.

“Микрокредитбанк” АТБ Сурхондарё вилоятидаги филиаллари томонидан оилавий тадбиркорлиқни ривожлантириш дастурлари доирасида ўтган йили 8,5 мингдан зиёд миқозларга 228,7 млрд. сўм кредит маблағлари ажратилди. Бунинг натижасида эса жами 9200 дан ортқ янги иш ўринлари яратишга эришилди.

Шунингдек, жорий йил биринчи чорагида оилавий тадбиркорлиқни ривожлантириш мақсадида банкнинг Сурхондарё вилояти минтақавий ва туман филиаллари томонидан 500 дан ортқ миқозларга 14,2 млрд. сўм кредит маблағлари ажратилди ҳамда 566 та янги иш ўрни яратилди.

Умуман олганда, “Микрокредитбанк” томонидан жойлардаги филиалларини замонавий қиёфага келтириш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Қўзланган мақсад эса аниқ: банкнинг хизмат кўрсатиш сифатини янада ошириш ва миқозларга қўлайлик яратиш орқали мамлакатимиз тараққиёти, аҳоли турмуш даражасини юксалтиришдир.

Банк ахборот хизмати.

Хизматлар лицензияланган.

ЭЪЛОНЛАР

JAHON
IQTISODIYOTI
VA DIPLOMATIYA
UNIVERSITETI

QUYIDAGI
LAVOZIMLARGA
TANLOV E'LON QILADI:

1. Xalqaro iqtisodiyot kafedrasi mudiri, professor, dotsent (4), katta o'qituvchi, o'qituvchi.
2. Tizimli tahsil va matematik modellashirish kafedrasi mudiri, professor (2), dotsent (2), katta o'qituvchi (4), o'qituvchi (5), shogird-o'qituvchi.
3. Xalqaro munosabatlar kafedrasi mudiri, dotsent (9), katta o'qituvchi (2), o'qituvchi (3), shogird-o'qituvchi.
4. Xalqaro huquq va ommaviy huquqiy fanlar kafedrasi mudiri, professor (3), dotsent (4), katta o'qituvchi (2), o'qituvchi, shogird-o'qituvchi.
5. Fuqarolik huquqi va xalqaro xususiy huquq fanlari kafedrasi mudiri, professor (2), dotsent, katta o'qituvchi, o'qituvchi (2).

Hujjatlar (ariza, fotosuratli shaxsiy varaqa, tarjimai hol, oliy ma'lumot, ilmiy daraja va unvonlar haqidagi diplomlarning nusxalari, ilmiy ishlar ro'yxati) ushbu e'l'on chop etilgan kundan boshlab bir oy muddat ichida Toshkent shahri, Mustaqillik shohko'chasi, 54 (e-mail: kadrilar_bulimi@uwed.uz, Telefon: (71) 267-65-40) manzilida qabul qilinadi.

«Ўзсаноатқурилишбанк»
АТБнинг Самарқанд,
Сурхондарё ва
Қашқадарё минтақавий
филиаллари мижозлари
диққатига!

Жорий йил 21-22 май кунлари “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБнинг Самарқанд, Сурхондарё ва Қашқадарё минтақавий филиаллари ағона банк кодиға ўтказилади.

Шу боис маъкур филиалларда янги тизимга ўтилиши муносабати билан 20 майдан 23 майга қадар муайян амалиётлар тўхтатилишини маълум қиламиз.

Мурожаат учун: 71-200-43-43.

КИЧИК
НОВВОЙХОНАкерамик
иситкичларда
(тандир
усулида)

Ишлаб чиқариш ҳажми,
бир соатда:

- 1) Нон (лепёшка) — 60 та.
- 2) Булочкалар 15x15 см. — 108 та.
- 3) Сомса 12x12 см. — 128 та.
- 4) Пицца 45x45 см. — 20 та.

Электр энергияси
истеъмоли сарфи —
8.4 кВт.

Ёнғинга хавфсиз,
кучлиши ўзгаришига
мослаштирилган
(фаза номуносивлиги).

12 ойлик кафолат.
5 йил бепул сервис
хизмати кўрсатилади.
Нархи 10 миллион
950 минг сўм.

Мурожаат учун
телефонлар:
95-169-68-51,
71-279-38-54.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 548. 31 488 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.



“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.30 Топширилди — 00.15 1 2 3 4 5 6